



Гарчи бошка масалаларни режалаштириб кўйган бўлсада, Иван Васильевич дархол элчини кабулига чорлашни буюрди:

Руснинг буюк князи Иван 1 (Иван Васиьевич) шу тарифа ўзи элчи килиб жўнатган инглиз савдогарини бошқа муҳим масалаларни ҳам четга суриб қабул қилади.

Иван Грознийнинг очилиб кетган мустамлакачилик сиёсати иштахаси гарбда Литва, Польша, Дания ва Швеция билан, шарада бўлса Ўрта Осиё хонликлари билан овора эди. У Болтикбўйига юриш кила туриб, дастлабки галабаларидан гурурланган холда, Ўрта Осиёни ҳам эсидан чиқариб кўймади.

Шу мақсадда у Москвага келган инглиз савдогари — Антоний Женкинсонни Хоразм томон сафарга йўллаб, у ердаги вазият билан танишиб келишни топширди. Ана шу тарзда 1558 йилда Иван Грознийнинг махсус ёрлигини олиб Женкинсон Москвадан йўлга чикди. У Волга дарёси бўйлаб сузиб Астрахань шахрига етиб борди, у ердан Каспий денгизи оркали сузиб ўтди ва Мангишлок яриморотида кўнди. Женкинсон ёнида Маккага хажга кетаётганлар Мовароуннахр савдогарлари ва эронликлар бор эди. Улар Мангишлок оркали Урганч яқинидаги вазир шахрига келадилар. Бу вақтда Хоразмдаги Урганч, Хазорасп ва Катда Али султон, Хива ва Улугбектепада Пўлат Султон, Мангишлок ва туркман қабилаларига Темур султон ҳокимлик қиларди. Яъни, давлат турли бекликлардаги ҳокимлар томонидан бўлиниб, уч ҳукмдор юзага келган, улар бир-бирига қарама-қарши эдилар. Хуллас, Женкинсон дастлаб Темур султон ҳузурига келади.

«Бу султон кўшк ва шаҳарда яшамай, сакрода яшаган ва мен унинг кичкинагина камишдан ясалган, усти кийгиз, ичи эса гиламлар билан ўралган ўтовига кириб борганимда у ўтирган эди. У билан бирга бу саҳройи мамлакатнинг бош рухонийси ўтирганди. Европанинг каттагина қисмида Рим епископини қанчалик ҳурмат қилсалар, уни ҳам халқ шунчалик азизлар эди. Улардан бошқа бир неча амалдорлар ҳам бор бўлиб, мен улар билан хушлашиб жўнадиму, ўзимизнинг қарвонимизга етиб олдим ва саёҳатни давом этдирдик. Денгиз соҳилидан бошлаб би-рорта ҳам шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойни кўрмасдан ўзимизга керакли бўлган озик-овқатни юклаб, саҳрода 20 кун йўл юрдик. 20 кун ичида ўша эски чуқур қудуқлардан олинадиган шўртанг ва жуда ҳам шўр сувдан бошқа сувни учратмадик. Баъзи вақтларда эса икки уч кунлаб шу сувга зор бўлдик. 5 декабрда эса биз яна қайта Каспий денгизи қўлтигига етиб келдик, бу ерда биз чучук сув ичишга муяссар бўлдик. Бу жойда бизни туркман шохининг бож олувчилари кутиб олишди. Улар биздан солиқ сифатида ҳар бир 25 молдан биттадан мол ва шох ҳамда унинг ака-укалари фойдасига тўққиз хил молнинг ҳар биридан еттитадан бож олдилар.

Барча йигилган нарсани олиб, улар жўнадилар, биз яна бир кун дам олиш учун бу ерда қолдик» ("Английские путешественники в Московском государстве в 16 века" тўплами. Инглизчадан Ю. В. Готье таржимаси. Л, 1937 йил 167 бет).

Шу тарика Женкинсон ҳамроҳлари билан яна йўлга тушиб Урганч яқинидаги Селлизюр (вазир) қалъасига кириб келадилар. «Қалъа баланд тепаликда жойлашган, бу ерда ҳон деб юритиладиган қироляшайди. Унинг саройи пастгина, чўзик бўлиб унчалик мустаҳкам эмас. Аҳолией қашшоқ ва савдо ишлари билан шугулланмайди. Қалъанинг жанубий қисми пастликда, аммо жуда унумдор ерда жойлашган. Бу ерда жуда хилма-хил экинлар ўстирилади, булардан биттаси қовундир, у ўзининг катталиги ва шираси билан ажралиб туради. Аҳоли уни овқатдан сўнг сув ўрнига ейди. Бу ерда яна тарвуз деб аталувчи мева бор, унинг катталиги катта бодрингдай, сарик ва шакардек ширин (Женкинсон қовокни тарвуз деб янглишган, шунингдек илгур (оқ жўхори) деб аталувчи дон экини ўсади, унинг пояси ва бўйи шақарқдмишга жуда ўхшаб кетади, дони гуручга ўхшайди ва поянинг юқори қисмида жойлашган, узум бошларига ўхшаб осилиб туради. Бутун мамлакат фойдаланаётган суви жуда қамайиб кетган Оксус дарёсидан каналлар орқали олинади. Мана шунинг учун ҳам унинг суви илгаригидек Каспий денгизига қуйилмай қўйган. Бу мамлакат яқин вақтлар ичида Оксус сувининг етишмаслиги натижасида вайрон бўлади ва саҳрога айланади».

Женкинсоннинг айтганича бор эканки, 1573 йилда Оксус — Амударё ўз ўзанини ўзгартириши натижасида Урганч, Вазир, Адок, Тирсак шаҳарлари сувсизлик натижасида харобага айланади. Энди яна унинг хотираларига қайтадиган бўлсак, у 16 октябр куни Урганч шаҳрига кириб келгани ҳақида шундай ёзади:

«Урганч шаҳри текисликда жойлашган бўлиб, унинг атрофи 4 милга яқин паҳса девор билан ўралган. Биноси ҳам паҳса девордан қурилган, аммо харобага айланаётган ва тартибсиз ҳолда эди, битта узун кўчасининг усти беркитилган, бу қуча уларнинг бозори эди. Шаҳар етти йил мобайнида тахт учун бўлган ўзаро жанжаллар натижасида тўрт марта қўлдан-қўлга ўтган. Шунинг учун у ерда савдогарлар кам ва камбағал. Бутун бошли шаҳарда ҳаммаси бўлиб тўрт бўлақ мато сотдик. Бу ерда сотилаётган асосий моллар Бухородан ва Эрондан келтириларди. Аммо у моллар шунчалик қамқи, улар ёзишга ҳам

арзимаиди. Каспий денгизидан тортиб Урганчгача бўлган бутун мамлакат туркманларга ва юкорида кўрсатиб ўтилган Азим (Хожимхон) хонга ҳамда унинг беш кишидан иборат бўлган ака-укаларига карашли бўлган. Улардан биттаси — улуг шох ёки хон деб юритилади, аммо унинг шахсан қўл остидаги ва хатто у ўзи яшаётган ердаги кишилар ҳам унга яхши бўйсунмас эдилар. Бу шахсларнинг ҳар кайсиси ўз ерида мустакил шох бўлишни истар эди. Биз 26 ноябрда Урганч шахридан жўнаб кетдик...»

Шундан кейин Женкинсон Кат шахрига ҳам бориб, у ердан яна келган йўли билан ортга кайтиб 1559 йил баҳорда Москвага кириб боради. У Иван Грознийга Хоразмда курган кечирганлари хақида сўзлаб, у ердаги вазият хақида ахборот беради ва хотираларини коғозга туширади. Гарчи Женкинсон хотираларида биров хато ва англашилмовчиликлар бўлсада, унинг ёзганлари XVI асрдаги Хоразм ҳаётини ёритувчи муҳим манбалардан бўлиб қолди.

Иван Грозний эса ўзининг очқўз назарини Ўрта Осиёга қаратсада, Литва, Польша ва Дания билан бўлган жангларда мағлубиятга учрагач, Женкинсон туфайли маълумотга эга бўлган Хоразмга қилажак юриши армонга айланиб қолди.

Ҳа, Иван Васильевич Грозний ўз касбини ўзгартирмай, бос-кинчилик юришлари эвазига Русия ҳудудини кенгайтирган подшоҳ ва марказлашган Буюк Рус князи сифатида тарихда қолди. Женкинсон хотиралари бўлса тарихимизни ўрганишда хизмат қилувчи манбага айланди.

Умид Бекмуҳаммад, "Ҳарбий хийлалар" китобидан